

У сизларга чақмоқни хавф ва умид қилиб кўрсатувчи



10:59 / 08.08.2017 4227

У сизларга чақмоқни хавф ва умид қилиб кўрсатувчи ва оғир булутларни пайдо қилувчи Зотдир. (Раъд сураси, 12-оят)

Аллоҳ таоло, фақат Унинг Ўзигина сизларга чақмоқни хавф – қўрқинч қилиб кўрсатади. Чақмоқ чаққанда, ҳар бир инсонни қўрқув босади. Бирор нарсани урмасайди, деб хавфсирайди. Шу билан бир пайтда ўша одамнинг ўзи чақмоқ чақишига тама – умидворлик ила қарайди. Чунки чақмоқ чақиши туфайли ҳаводаги баъзи унсурлар ўсимликларга фойда берувчи моддаларга айланиб, ёмғир ила ерга тушади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, чақмоқ чаққанда, ҳаводаги кислородни куйдириб, азотга айлантиради. Ўша азот моддаси чақмоқдан кейинги ёмғир ила ерга тушиб, ўғитга айланади. Чақмоқ чақиб, ёмғир ёққандан кейин, ер юзи яшнаб,

Ўсимликларнинг гуркираб кетиши ўшандан. Бу нарсани тушуниб етган кишилар чақмоқ чаққанда, қўрқиш билан бирга, у ўсимликларга фойда беришидан умидвор ҳам бўлиб турадилар.

Ҳа, айнан шунинг учун инсонлар чақмоқ чаққанда, ризқ-рўзларига барака киришидан умидвор бўладилар.

Бу нарсани одамларга ҳам хавfli, ҳам умид уйғотувчи қилган ким? Албатта, Аллоҳ.

«...ва оғир булутларни пайдо қилувчи Зотдир».

Яъни ёмғир ёғадиган булутларни вужудга келтиради. Буни ҳам фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигина қилади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

"Тафсири Ҳилол" китобидан